

ҲОСИЛ НОБУД БЎЛМАСИН!

Ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам терим суръатини бўшаштирмайлиқ, сушилналар, қуритиш-тозалаш цехлари тахт қилиб қўйилсин!

БУТУН ДУНЕ ПРОЛЕТАРЛАРИ, БИРЛАШИНГИЗИ!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КП ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР КОМИТЕТЛАРИ,
МЕХНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ОБЛАСТЬ ВА ШАҲАР СОВЕТЛАРИНИНГ ОРГАНИ

№ 210 (2243) | 21 октябрь, якшанба, 1962 йил. | Баҳоси 2 тийин.

ОРЖОНИКИДЗЕ РАЙОН ПАХТАКОРЛАРИНИНГ ОЛИЙЖАНОБ ТАШАББУСИ

Бир грамм пахта ҳам нобуд бўлмасин О Ч И Қ Х А Т

Қадри дўстлар! Кеча яқиндагина Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаати эълон қилинди. Бу муҳим ҳужжатнинг ҳар бир сатрида олам-олам маъно бор. Биз республика партия ва ҳукуматининг Мурожаатига жавобан бир грамм пахтани ҳам нобуд қилмасдан йиғиб-териб давлатга топшириш учун янада зўр ғайрат билан ишлашга, Улуғ Октябрнинг 45 йиллигини меҳнатда янги зафарлар билан кутиб олишга қарор қилдик.

Пахтакор ва механизатор ўртоқлар! Йилнинг теримнинг ҳал қилувчи давлари келди. Оти қамчи-лаб қолсан ютасан, бўлмаса ютқазасан. Ҳозирги куннинг ҳар бир соати, ҳар бир минути ғаниматдир. Планим бажарилсин, эл-юрт олдида юзим ёруғ бўлсин десанг суръатини бўшаштирма!

Куз кўзлигини қилади. Маъна, ҳаво айниб ёмғир ҳам ёғапти. Энди гап ҳар қандай об-ҳаво шароитида ҳам суръатини бўшаштирмаслик, бир грамм ҳам пахтани нобуд қилмай йиғиб-териб олишда қолди.

Халқимизнинг «тома-тома кўл бўлур» деган доно гапи бор. Ахир граммлардан тонналар ҳосил бўлади! Ноннинг ушоғи ҳам нон, бутуни ҳам нондир! Агар биз «оқ олтин»имизнинг нобуд бўлишига йўл қўйсак, қанчалардаги пахталарни тозалаш териб олмай ташлаб кетсак, машиналарни унумли ишлатмасак, пахтанинг хирмон ёқаларида, йўл чеккаларида тўкилиб қолганига йўл қўйсак, планимизни, зиммамизга олган мажбуриятимизни бажара олмаймиз деганимиз мумкин.

Ҳали областимизнинг бепоя пахтазорларида етиштирилган ҳосилнинг ярмига яқини бор. Шу ҳо-

ОБЛАСТИМИЗ
ПАХТАКОРЛАРИ,
МЕХАНИЗАТОРЛАРИГА ВА
БАРЧА МЕХНАТКАШЛАРИГА

силни битта қўймай йиғиб-териб олиш ва 503 минг тонналик улкан «оқ олтин» хирмонини тезроқ бўёвга келтириш ҳар биримизнинг ватанпарварлик бурчимиздир. Бас, шундай бўлгач, деҳқон йил бўйи пешона тери тўкиб етиштирган «оқ олтин» дурдоналарининг қадрига етмаётган, унинг кўплаб исроф бўлишига йўл қўётган, пахтани хом тараётган, ифлослантираётган, ҳосилни оёқ ости қилаётган кишиларга қарши шайқошга кўрашайлик!

Шу мақсадда биз районимизда пахта нобудгарчилигига қарши кураш ойлари эълон қилдик. Бунинг маъноси шуки, бир чигитни ҳам қолдирмасдан бир ой ичида йиғиб-териб олиш ва шу билан бирга келгуси йил мўл ҳосил учун ҳозирдан пухта тайёргарлик кўришдир.

Биз областимизнинг барча пахтакор ва механизаторларига мурожаат қилиб, уларни биздан ўрнат олишга чақирамиз. Ахир қадридонимиз Никита Сергеевич Хрушчевнинг таъбири билан айтганда, пахта — олтиндан ҳам қиммат! Пахта — бизнинг миллий ифтихоримиз, виждонимиз, оғиримиз, шон-шувратимиздир. Шундай экан, тиллаю-тавхарлардан ҳам азиз бўлган «оқ олтин»имизнинг бирор миқдорини ҳам ерда қолдирмайлик!

А. ЭГМНАЗАРОВ — «Қизил Ўзбекистон» колхозининг бригадирини, Социалистик Меҳнат Қаҳрамонини, К. САРСЕНОВ — Оқунобоёв номидаги колхознинг бригадирини, Г. АБДУЛЛАЕВ — Киров номидаги колхозининг кеска аъзосини, М. АЗИМБЕРДИЕВА — «Коммунизм» колхозининг илгор теримчисини, Т. ОҚНАЗАРОВ — колхоз тракторчисини.

«ХОВОС» СОВХОЗИ ПЛАНИ БАЖАРДИ

«Ховос» совхозининг ишчи-лари КПСС XXII съезди қарорларини амалга ошириб, партияимизнинг жанговар Чақириқларига жавобан давлатга пахта сотиш йил-лиқ планини муддатидан илгари ортиғи билан бажардилар.

Совхознинг ўртоқ Исмагуллаев бошлиқ 6-бўлим ишчилари пахта тайёрлаш йиллиқ планини муддатидан илгари 104 процент бажариб, ҳўжалиқнинг плани муддатидан олдин бажаришига аиниқса катта ҳисса қўшдилар.

Совхоз ишчилари ўз иккониятларини ҳисоблаб чиқиб, давлатга пландан ташқари яна қўшимча равишда 500 тонна «оқ олтин» етказиб беришга қарор қилдилар.

Н. С. ХРУШЧЕВ ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ҲАҚИДЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИНИ ҚАБУЛ ҚИЛДИ

СССР Министрлар Советининг Раиси Н. С. Хрушчев Совет Иттифоқида меҳмон бўлиб турган Германия Демократик Республикаси ҳарбий делегациясини 19 октябрда Кремлда қабул қилди. Делегацияга миллий мудофаа министри, армия генерали Г. Гофман бошчилиги қилмоқда.

Учрашув вақтида Н. С. Хрушчев билан делегация аъзолари ўртасида самимий дўстона суҳбат бўлди. Суҳбатда СССР мудофаа министри Совет Иттифоқи маршали Р. Я. Малиновский ва армия генерал-полковниги Н. П. Дагаев қатнашдилар. (ТАСС).

КРЕМЛДАГИ СЪЕЗДЛАР САРОИДА ТАНАНАЛИ ЙИГИЛИШИ

МОСКВА, 18 октябрь. (ТАСС мухбири). Бугун Кремлдаги Съездлар саройида 1812 йилдаги Ватан урушининг 150 йиллигига бағишланган Москва меҳнаткашларининг Совет Армияси ва Ҳарбий Денгиз Флотини қанчалар билан биргаликда тантанали йиғилиши бўлиб ўтди.

Мажлис ахли Коммунистик партия ва Совет ҳукумати раҳбарларини гулдўрс қарсақлар билан табриқлади.

СССР Фанлар академиясининг корреспондент аъзоси В. М. Хвостов доклад қилди.

МУВАФФАҚИЯТНИНГ СИРИ



М. РЎЗМАТОВ

Хўжалигимиз меҳнаткашлари 1380 гектар ердан давлат оморига 3255 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» топшириб, йиллик пахта тайёрлаш планини муддатидан илгари шараф билан бажардилар. Хўш, колхозимиз деҳқонлари бундай муваффақиятга қандай қилиб эришдилар?

Эрта баҳордан ҳамирдай кўпчиб ётган илқ тупроқ барига уруғ ташладик. Дастлабки кунларда ҳар бир деҳқоннинг йиллик-йиллик пахта тайёрлаш планини III процентдан ошириб олди эди. Ўртоқ Мисир Ортиқов бошлиқ бригадани деҳқонлари аса 115 гектар ердан пландаги 294 ўрнига 320 тонна «оқ олтин» териб олишга муваффақ бўлдилар.

Биз эрта баҳордан 450 гектар ердаги кўчатни машина теримига мослаб парвариш қилдик. Ана шу майдонларда 10 та пахта териш машиналари тўхтовсиз ишлаб турибди. Шу пўлат агрегатлар ёрдамида биринчи теримдаёқ 320 тоннадан кўпроқ «оқ олтин» териб олинди.

Терилган пахталарни тайёрлов пунктларига қоп-қанорсиз элтиб беришга катта аҳамият берилди.

Йиллик план бажарилди. Лекин йилнинг суръати охиригача бўлди. Улуғ Октябр социалистик революциясининг 45 йиллигини кўнчалар давлатга ана 414 тонна пахта сотиб, она-Ватан олдида берган сўзимизнинг устидан чиқамиз.

М. РЎЗМАТОВ,
Эрта Чирчиқ районидagi
Оқунобоёв номидаги колхоз
раиси.

У. ГҲЛМЕТОВ,
партия комитетининг секретари.

ЙИГИРМА САККИЗ КАПИТАН ҚИЗ



Ҳалима ПҲЛАТОВА.



Фарида БАХТБЕРГАНОВА.



Файзинисо ЭРГАШЕВА.



Ойдин РАҲИМОВА.

Йўллар... Чекисиз, поёнсиз йўллар. Харитага қон томиларидан ёйилган бу йўллар нақадар фазил, кўркам, серқатнов, гавжум. Олтин куз фаслида йўлларнинг бир фазлига ўн фазил қўшилиди. Шу йўллардан юриб далам-дала кезганинг сари пахтазор юлдузларига дуч келасан, янги-янги қаҳрамонлар билан танишасан, саҳоватли кузининг мевадаси, асл деҳқоннинг меҳнат самарасини ўз кўзинг билан кўрасан киши...

Еқимли эсаётган намхуш шабада йўлнинг икки четига қатор тизилган кўркам даракларнинг олтин ранг япроқларини бандидан ширт-ширт узиб ерга туширади. Шу дараклар узра бири-бирига улашиб кетган поёнсиз «оқ олтин» пайкалларига кўз ташлабмиз. Меҳнат ажида.

— Ўз кўзингга ишонинг келмайди киши, — тўсатдан гап қотди қаҳрамонимиз — совхоз бош ижасари Гафур ака Леонтьев, — бундан беш-олти йил муқаддам бу манзара биз учун афсонадай туюларди. Маъна эди кўзимиз ҳар бир пайкалда 6—7 талаб машиналарини кўриб турибди. Қанчалик тез бўёвга келди-я, бу манзара! Турсунобга ҳар қанча раҳмат айтсак камлик қилади. Унинг ташаббуси юзлаб, минглаб хотин-қиз механизаторларни бўёвда келтирди. Биргина бизнинг ҳўжалигимизда йигирма саккиз та турсуноб бор, йигирма саккиз та!

Гафур ака охириги сўзларини гапириб бўлмасданқоқ манзилга етиб келдик. Шийлон олдидаги сайхон ерда катта хирмон қад қўтарибди. У ер — бу ерда сочилиган пахталарни териб юрган бригадир Умар ака Кўнонов бизга пешвоз чиқди-да, салимий сўради. Гафур ака бригадирнинг офтобда пишган қил-қизил мағиздай юзига бир кўз ташлаб олгач, Умар аканинг юрагига қўл солиб кўрди:

ТУРСУНОЙ ОХУНОВА 220 ТОННА ПАХТА ТЕРДИ

ЧИНОЗ. (ЎзТАГ). Чиноз районидagi Киров номидаги колхоздан мамлакатнинг машҳур механизатори, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони Турсуной Охунова бригадаси Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети, Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ва Министрлар Советининг Мурожаатига меҳнат ғалабаси билан жавоб берди. Дала меҳнаткашлари давлатга пахта сотиш йиллиқ планини муддатидан илгари, 18 октябрда бажардилар. Юз гектар майдонининг ҳар гектаридан 32 центнердан «оқ олтин» териб олинди. Бу

ҳосилнинг ҳаммаси машинада терилди.

Меҳнатқ-ҳайдовчи Турсуной Охунова етти йилликнинг тўртинчи йили топширигини тезроқ бажариш учун курашга катта ҳисса қўшди. У тўрт катта пахта терилган янги машинани ўлаштириб, ҳар кун 13 тоннага пахта термоқда. Унинг мавсум бошидан берилган пахтадан 220 тоннага етди. Шунча пахтадан ҳам териш учун қандай уч юз теримчи керак бўлур эди. Турсуной 1 ноябрда машинада яна 80 тонна пахта теришга аҳд қилди. Бригада бу йил ҳар гектардан 50 центнердан ҳосил олмақчи.

КОММУНИЗМ ҚУРИЛИШИ ВА ИЖТИМОЙ ФАНЛАР

СССР ФАНЛАР АКАДЕМИЯСИНИНГ УМУМИЙ ЙИГИЛИШИ

МОСКВА, 19 октябрь. (ТАСС). Бугун Олимлар уйида СССР Фанлар академиясининг умумий йиғилиши очилди. Йиғилиш коммунизм қурилиши ажи олдирилган шароитда ижтимоий фанларни ривожлантириш вазифаларига бағишланган.

Йиғилишда СССР Фанлар академиясининг президенти академик М. В. Келдиш очди.

Академик Л. Ф. Ильичев «Коммунизм қурилиши ва ижтимоий фанлар» тўғрисида доклад қилди.

Йиғилиш икки кун давом этади.

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Советидан

КПСС Марказий Комитети, СССР Олий Совети Президиуми ва СССР Министрлар Совети КПСС Марказий Комитети аъзолигига кандидат, СССР Олий Совети депутати, РСФСР Олий Совети депутати, РСФСР Олий Совети Раисининг ўринбосари, КПСС Липецк област комитетининг биринчи секретари Сергей Тимофеевич Пукиновнинг оғир касаллиқдан кейин 1962 йил 18 октябрда вафот этганлигини чуқур қайғу билан хабар қиладилар.

КПСС
МАРКАЗИЙ
КОМИТЕТИ

СССР ОЛИЙ
СОВЕТИ
ПРЕЗИДИУМИ

СССР МИНИСТРЛАР
СОВЕТИ

— Қалай энди, ишларингиз жунашиб кетди. Тунов кунлари машинангга пахтага қўймайман деб икки оёғингизни бир этикка тикиб олган эдингиз.

Бригадир шу тоғда нима дейишни билмай қолди шекилли, юзига қизил югурди.

— Уша қилиқларимга ҳали ҳали пушаймон қиламан, — ниҳоят гап қотди Умар ака, — машиналар келди-ю, ишимиз юришиб кетди. Кеча яқиндаги на планимиз 30—40 процентда етувди, ҳозир 80 дан ошди. Машиналар гувилаб ишлаб турса деғ, маррага чумоли қадам билан эмас, оҳудай чопиб бораркансан киши.

— Қизлар дуруст ишлаш-аяптими?

— Э, қизларимизнинг нима-сини айтасиз. Уларни таърифлашга сўз тополмай қоламан, баъзан. Ҳайринисо, Муборак, Роза, Шафот, Ойдинлар ҳар кун хирмонимизга 15 тоннадан пахта қўйишяпти. Беш-ви 250 теримчининг ўрнини босаяпти.

Шу пайт иккита ХВС пайкалдан чиқди-да, оғир чайқалди бири-кетини хирмонга келди. Бараварига кўтарилган икки байбат бункердан хирмонга «оқ олтин» шалоласи қўйилди. Бунга ҳавас билан кўриб турган бригадир хўшчақчақ кўлиб қўйди.

— Офарин-э, келинларимиз-га!

— Келинларимизга?

— Нима, ажабланиасизми. Шафот билан Ҳайринисо бизнинг келинларимиз-да. Уларнинг иккаласи ҳам асли оқ-қўроғлиқ. Икки механизаторимизга турмушга чиқиб шу ерга келиб қолишган.

Машиналардан бири гавда жиҳатидан йигитлардан қолдирилган, бири ундан ҳийли кичикроқ икки қиз тушди-да, чанг-чунини қоқиб биз томонга келди. Булар Шафот Қур

боналиева билан Ҳайринисо Букайнова эди.

— Хорманлар қизлар, — деди Гафур ака улар билан сурашаркан, — бу тўқналарнинг нечанчи бункер?

— Меники ўнбиринчи эди, Ҳайринисониники ўнучини, — дугонаси учун ҳам жавоб берди Шафот, — кечгача 4,5—5 тоннадан етказамиз.

Улар шийпонга, тушкни оқ-қатлангаша кетишди. Орадан бироз ўтгач Ойдин Раҳимова, Роза Жўраева, Муборак Ҳолиқбердиеваларнинг агрегатлари ҳам хирмонга келиб пахта тўқди. Бу уч қиз ҳам машиналардан тушди-да, бир-бирига ҳазил-мутоба гап отиб, шийпонга кириб кетди...

Яна йўлдамиз. Учунчи бўлимга кетатуриб йўл-йўламай биринчи бўлимда ишлаётган Қўйдинисо Қодирова ва Файзинисо Эргашевалар билан гап-лашиб ўтдик. Қўйдинисо 130 тонна, Файзинисо эса 100 тонна пахта териш учун тиним билмай ишлаяпти...

Тошкент денгизи яқинидаги серҳосил далалар учинчи бўлимининг Мамат Шохқосупов бошлиқ бригадасига қарайди. Пахтаси чаман-чаман очилган катта пайкалда бир арақалганга 6 та «зангори кема» ишлаяпти. Суруштириб билсак, уларнинг тўрттасини Фарида Бахтберганава, Александр Васильева, Зария Ахмедшина, Седофея Родина ўртоқлар бошқараётган экан.

— Бу машиналарнинг баҳоси йўқ экан, — деди бригадир Мамат ака, — шулар туфайли пунктга ҳар кун 8—9 процент пахта жунатаяпти. Эрта-индин рапорт берамиз...

Шу кун бўлимга-бўлим, бригадаси-бригада юриб роса дала кездик. Қайси ерда бўлмайлик ҳўзур-ҳўлаватини тарқатиб, пахта учун жон куйдираётган турсунойчиларнинг рўпарасидан чиқдик. Эҳ-ҳе, буларнинг ҳаммаси ҳақида батафсил гапираман десанг тоғ отмайди. Биргина трактор-далачилик бригадаларини ҳам, қудратли агрегатларини ҳам моҳирона бошқараётган Ҳалима Пулатова билан Тожиҳон Дадаматоваларнинг ишлари тўғрисида катта дoston ёза бўлади.

Совхоздаги «зангори кема» капитанлари сафида Зулайхо Тўрлиева, Раъно Абдураҳимова, Ойдин Уматова, Т. Ражабова, Қ. Турсунобова, Раъно Ражабова, Пулатой Эргашева, Қумрихон Асқарова, Зарифа Убайдуллаева, Мария Ким, Баён Туркистонбова, Раъно Мабинова, Каромат Комилова, З. Зоировалар ҳам бор. Уларнинг ҳар бири бу йил хирмонга 80—100—150 тоннадан пахта тўқингаша аҳд қилган. Агар уларнинг мажбуриятларини жамлаб чиқилса икки ярим минг тоннадан ошиб кетади. Бу — совхоз бўйича машина терим планининг ярмидан кўпроғи шу турсунойчиларнинг меҳнати аэазига тўлади деган сўзидир. Агар бу йил 28 капитан қиз ўз мажбуриятини бажарса, улар терган пахтадан ўн саккиз миллион метр газлама тўқилади.

Ш. ШОРАХМЕДОВ, «Пискент» совхоз.

1962 йил 20 октябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги суний йўлдоши «Мосмос-11» муваффақиятли равишда учирилди. Йўлдошда ТАСС томонидан шу йил 16 марта эълон қилинган программага мувофиқ космик фазонини қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Илмий аппаратлардан ташқари, «Мосмос-11» йўлдоши бортига траекторияни ўлчамоқ учун қўл каналли радиотелеметрич система ва радиотехника қурилмалари ўрнатилган. Йўлдошда 20,0048 ва 90,0216 мегагерц частоталарда ишлайдиган қисқа тўқинли перелатчи бор.

Дастлабни — маълумотларга қараганда, йўлдош мўлжалланганидан кам фар қиладиган орбита бўйлаб учмоқда. Йўлдошининг айланиш даври 96,1 минутга, орбитанинг экватор текислигига оғиш бурчаги 49 градус 00 минутга тенг, Ер сатҳидан энг кўп узоқлашиши 921 километрни ташкил этади, энг кам узоқлашиши эса, 245 километрга баравар.

Йўлдош бортдан қабул қилинган радиотелеметрич ахборот борт системаларининг нормал ишлаётганлигидан далолат беради. Координат-ҳисоблаш ва ўлчаш марказларига телеметрич ахборот, шунингдек перелатчининг радиосигналлари қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар келиб турибди.

Муборак ҲОЛИҚБЕРДИЕВА.

«Пискент» совхоз.

ТАСС АХБОРОТИ

1962 йил 20 октябрда Совет Иттифоқида Ернинг навбатдаги суний йўлдоши «Мосмос-11» муваффақиятли равишда учирилди. Йўлдошда ТАСС томонидан шу йил 16 марта эълон қилинган программага мувофиқ космик фазонини қилишни давом эттириш учун мўлжалланган илмий аппаратлар ўрнатилган. Илмий аппаратлардан ташқари, «Мосмос-11» йўлдоши бортига траекторияни ўлчамоқ учун қўл каналли радиотелеметрич система ва радиотехника қурилмалари ўрнатилган. Йўлдошда 20,0048 ва 90,0216 мегагерц частоталарда ишлайдиган қисқа тўқинли перелатчи бор.

Дастлабни — маълумотларга қараганда, йўлдош мўлжалланганидан кам фар қиладиган орбита бўйлаб учмоқда. Йўлдошининг айланиш даври 96,1 минутга, орбитанинг экватор текислигига оғиш бурчаги 49 градус 00 минутга тенг, Ер сатҳидан энг кўп узоқлашиши 921 километрни ташкил этади, энг кам узоқлашиши эса, 245 километрга баравар.

Йўлдош бортдан қабул қилинган радиотелеметрич ахборот борт системаларининг нормал ишлаётганлигидан далолат беради. Координат-ҳисоблаш ва ўлчаш марказларига телеметрич ахборот, шунингдек перелатчининг радиосигналлари қабул қилинганлиги тўғрисидаги маълумотлар келиб турибди.

